



AUDITORLIK
TASHKILOTI

FINTIME MChJ shaklidagi Auditorlik Tashkiloti
Toshkent shahar, Mirobod tumani, Shahrisabz ko'chasi-36 uy
Tel.: (+998) 94-446-03-07, faks: (+998) 97-446-03-07
e-mail: Z_XY-77@mail.ru
HR: 2020 8000 6054 3715 8001
ХАТБ "ORIENT FINANS BANK" Yunusobod filiali
Bank kodi: 01075, IFUT 69201
STIR: 308 852 209

МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Тошкент шаҳар

30 май 2022 й

Аудиторлик хуносаси йўлланди: «PORTLATISHSANOAT» АЖ

Тошкент шахри, Богубустон кучаси 139 уй
х/р: 20 208 000 200 115 269 001
"Даврбанк" ХАТБ Яккасарой филиали.
МФО: 01069,
ИНН: 201 190 566:
телефон:

Аудиторлик хуносаси тузилди: МЧЖ «FINTIME» АТ

Тошкент шахар, Миробод т-ни, Шахрисабз к 36 уй.
х/р 2020 8000 6054 3715 8001,
ХАТБ Ориент Финанс Банк» Юнусобод филиали,
МФО: 01075;
ИНН: 206952776; ОКЭД: 69201.
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги
томонидан 2021 йил 09 ноябрда аудиторлик
ташкилотлари реестрига киритилган
телефон: (97) 446-03-07.

Биз «PORTLATISHSANOAT» АЖ ининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган
молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил учун
фойда ва зааралар тўғрисидаги ҳисоботдандан иборат бўлган илова қилинаётган
молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Компания раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Компания раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон
Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш,
шунингдек Компания раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган
муҳим бузуб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур
деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.



Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб – таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб – таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Кўшимча изоҳлар билан фикр билдирилган аудитор фикри

Бизнинг фикримизча, «PORTLATISHSANOAT» АЖ нинг 2021 йил 31 декабрда тугаган йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларида 705-сонли Халқаро аудиторлик ҳисоботига асосан хато курсатишлар мавжуд (жиддий бузиб курсатишлар). Тугаган 2021 йил 31 декабрь холатига топширилган молиявий ҳисоботларда дебеторлик ва кредиторлик карзлар фарқ килади, яъни солик ва бошка мажбурий туловлардаги буюртмачи ва кредиторларнинг карз суммалар солик базаси билан солиштириб курилганда якунланган молия йилининг охирги солик ҳисоботларини топширгунга кадар ҳисобланган солик мажбуриятлари ва солик активлари (дебеторлик ва кредиторлик карзлари орасида фарқ) кўрсатиб утилган. Молиявий ҳисоотлар Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган.

**«FINTIME»
МЧЖ Бош директори:**



З. Халқулов